**Ушбу сонда:**
2 ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ
3 НАЗОРАТДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛА ЎРИМИ НЕГА СУСТ?
4 МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЙИРИК АРБОБИНИ ЭСЛАБ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 25 июн, жума № 83 (730)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


# ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари**



**САВОЛ. Муҳтарам Президент, Ўзбекистондаги сўнгги воқеалар муносабати билан юртимиздаги сиёсий-ижтимоий вазиятга жаҳон жамоатчилиги ва хорижий матбуот вакилларининг қизиқиши сезиларли даражада кучайди. Бу хусусда турлича қарашлар, фараз ва талқинлар бор. Сизнинг фикрингизча бу воқеаларни қандай тушуниш ва баҳолаш мумкин?**

**ЖАВОБ.** Дарҳақиқат, бугун жамиятимиз кескин сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Буни ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, одамларимизнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётгани, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланаётгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам жонланиб қолди.

Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз - юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ғояларини очиқ-ойдин баён этганмиз. Ўтган саккиз йил мобайнида қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, танлаган йўлимиздан изчиллик билан бормоқдамиз. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши муқаррар бўлган машаққатлар ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга интилиб келмоқдамиз.

Мен Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида, халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги учун, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун жавобгар шахс сифатида, қолаверса, шу азиз ва бетакрор юртнинг бир фарзанди сифатида ўз фаолиятимда авваламбор аҳолимиз ва халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини мана шу қалтис, ўта мураккаб, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалаларга қаратиш, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш ҳақида ҳамиша бош қотириб келаман.

Хусусан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобимда, кейинги вақтдаги нутқ ва чиқишларда, «Тафаккур» журнали, «Туркистон» газетаси, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги вакилларининг саволларига берилган жавобларда, Олий Мажлисимизнинг XIY сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузада мен бу ҳақда алоҳида ва батафсил тўхталиб ўтган эдим.

Бундан кўзланган асосий мақсад - юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг оммани огоҳликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, бугун юртимизда яшаётган ҳар бир онгли инсон мамлакатимизнинг олға босиши, тараққий топган давлатлар билан ҳамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни англаш билан бирга, шу қадамларимизга тўсиқ бўлиб турган сабаб ва кучларни, уларнинг бизга қарши очиқ ва пинҳона қилаётган ҳаракатларини ўзига тасаввур қила олиши мумкин.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгандан буён ўтган даврга назар ташлайдиган, уни танқидий баҳолайдиган бўлсак, кўп ҳолларда кундалик муаммолар, асосан моддий ташвишлар билан ўралашиб, давлатимиз, халқимиз бошидан кечираётган тарихий жараёнларни тўла англаб етолмаётганимизни сезиш мумкин. Очиқ тан олишимиз даркор: баъзи бир хомхаёл, эскича фикрлайдиган одамларнинг назарида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият гўёки 80-йиллардан буён теп-текис, силлиқ, ҳеч қандай курашларсиз ўз йўли, ўз табиий оқими билан давом этиб келаётгандек туюлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётганислоҳотлар ва уларнинг дастлабки самаралари, улкан қурилиш ва иншоотлар қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йўлида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йўлида ҳеч кутилмаган, оғир тўсиқларни енгиш эвазига қўлга киритилаётганини баъзи бир кишиларнинг тасаввур қилиши ҳам қийин.

Бу ҳақиқатни одамларга гоҳ-гоҳ эслатиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ваҳоланки, кейинги саккиз-ўн йил ичида давлатимиз, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ва оила тақдирида қандай мураккаб синовлар бўлганини, халқимиз нене қийинчилик ва тўсиқларга дуч келиб, уларни сабр-бардош ва матонат билан енгиб келаётганини, энг муҳими, жамиятимиз ҳаётида, унинг турли тоифа ва босқичларида, одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечаётганидан огоҳ бўлиш, бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.


**(Давоми 2-бетда)**


# ПРЕЗИДЕНТ БИШКЕККА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 июн куни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Бишкекка жўнаб кетди. Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан суҳбатда бўлиб, жумладан, шундай деди:**

- Бишкек учрашувида кўриладиган масалалардан бири минтақамиз давлатлари ўртасида қабул қилинган ҳужжатларнинг амалда қандай бажарилаётганига танқидий кўз билан қараш бўлади. Шу ўринда бир гапни айтишим керак: бизнинг орамизда ўзаро «мусобақа» бўлмаслиги керак. Аксинча бир-биримизга интилишимиз асосига қурилган ҳамкорлик бўлмоғи лозим. Яъни қўлни-қўлга бериб, елкадош бўлиб, бир-биримизнинг манфаатимизни ҳисобга олиб ҳаракат қилсак, шундагина халқларимиз, қолаверса, бошқа давлатлар ҳам бундай ташкилотнинг фойдали ва нуфузли эканлигини кўради.

Мазкур учрашув кун тартибидан ўрин олган иккинчи масала, бу экстремистик, террористик кучларга қарши биргаликда курашишдир. Бирон-бир мамлакатда шундай кучлар одамлар тинчлигини бузгудек ёки давлат ва халқнинг келажагига раҳна солгудек бўлса, қўшни республика бунга жим қараб турмаслиги керак. Негаки бундай нохуш ҳодиса бугун у ерда рўй берган бўлса, эртага қўшни давлатда бўлмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. «Қўшнинг тинч - сен тинч» деган гапни халқимиз бежиз айтмаган. Бир вақтлар Тожикистонда давлатга қарши мана шундай ҳаракатлар бўлган эди.

Ўша беқарорлик, фуқаролар уруши бошланганда биз қўшни давлатга тезроқ тинчликни тиклаб олиши учун қўлимиздан келганча кўмаклашишга ҳаракат қилгандик. Чунки минтақамизда яшаётган халқларнинг тинчлиги - бу ҳаммамизнинг тинчлигимиздир. Шуни доимо ёдда тутишимиз керак: нохуш ҳаракат бир давлат ҳудудида қолиб кетмайди, бошқа давлатларга ҳам ёйилади. Буни айниқса, ёшларимизга уқтириб туришимиз керак. Халқнинг тинчлигини бузадиган, давлатнинг барқарорлигига путур етказадиган ҳар қандай экстремистик кучга ва ҳаракатга қарши биргаликда, ҳамкорликда курашишимиз керак.

Бишкек учрашувида Афғонистон масаласи ҳам тилга олинади, албатта. Афғонистон муаммоси айни пайтда минтақа давлатлари учун энг долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ташкил этилган «олти плюс икки» ташаббусини АҚШ, Эрон, Хитой, Покистон ва бошқа давлатлар тўла қўллаб-қувватлаяпти. Афғонистонда ҳам курашаётган кучлар ўртасида ўзаро тил топишишга интилиш сезилмоқда. Бу эса уларни бир жойга тўплаб, ўзаро тил топишини йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Тўғри, қарийб йигирма йилдан бери давом этаётган урушни бирданига тўхтатиш осон иш эмас. Такрор-такрор айтганман: агар Афғонистонга четдан молиявий ёрдам кўрсатишлар давом этмаганда эди, у ердаги уруш анча илгари тугаган бўлур эди. Ўйлашимча, бугун бу заминдаги беқарор вазиятни тўхтатишга муайян имконият туғилаяпти.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б.Сидиқов ҳам бор эди.

**(ЎзА)**

# БИШКЕК УЧРАШУВИ

**БИШКЕК, 24 июн. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистонга келди. Бишкек аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев кутиб олди.

«Ола арча» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Мазкур мамлакатлар делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари давомида иқтисодий интеграция кўламларини кенгайтириш ва хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Музокаралар давомида Украина, Грузия, Туркияни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига кузатувчи сифатида қўшишга келишиб олинди. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев давлат раҳбарлари кенгашининг раиси, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Нуралиев ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб тайинланди. Давлатлараро кенгашнинг навбатдаги йиғилишини Тожикистон Республикасида ўтказишга қарор қилинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида Президентлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

**(ЎзА).**

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

**Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мактабгача болалар муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг давлат мактабгача болалар муассасалари билан бир қаторда тижорат асосида фаолият кўрсатувчи, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари ўз устав жамғармасини муассисларнинг маблағлари ҳисобига шакллантиради, ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади;

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари белгиланган тартибга мувофиқ хусусийлаштириладиган давлат мактабгача муассасалари негизида ҳам ташкил этилиши мумкин;

тугатилаётган давлат мактабгача болалар муассасаларининг бўшаётган бинолари ва иншоотлари мавжуд жиҳозлари ва асбоб-ускуналари билан биргаликда, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан 3 йилгача муддатга ижара ҳақи ундирмасдан, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларига ижарага берилиши мумкин.

3. Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларининг ишлаб турган давлат мактабгача болалар муассасалари таркиби ва ҳудудида, шунингдек бошқа давлат мактабгача болалар муассасаларига эга бўлмаган аҳоли яшаш жойларидаги ишлаб турган давлат мактабгача муассасалари ўрнига ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаси /ташкилоти/ тўғрисида Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, унда уларни ташкил этиш тартибини, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақомини, тегишли давлат стандартларини таъминлаш бўйича асосий талабларни, кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартибини, маблағ билан таъминлаш механизмини ва бошқаларни назарда тутсин.

5. Хизмат кўрсатиладиган болаларнинг сифатли овқатлантирилишини ташкил этиш учун давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларига олинадиган даромадларнинг 15 фоизгачасини чакана савдо тармоқларидан ва деҳқон бозорларидан нақд пулга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфлаш ҳуқуқи берилсин.

6. Ташкил этилаётган давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан /Пенсия жамғармасига ажратмалардан ташқари/ улар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч йил муддатга озод қилинсин, кўрсатиб ўтилган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, дидактик материаллар, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлари сотиб олиш учун мақсадли сарфлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқорида белгиланган солиқ имтиёзларидан фойдаланувчи давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари хизматлари учун тўлов миқдорларининг декларация қилинишини таъминласин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларини ривожлантириш, уларнинг фаолият кўрсатиш ҳуқуқига лицензияларни белгиланган тартибда расмийлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириб бориш, шунингдек уларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг болалар тарбияси ва таълими соҳасидаги давлат стандартларига риоя этишларини назорат қилиш функцияси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларида давлат стандартларига мувофиқ санитария, гигиена ва саломатликни мустаҳкамлаш даражаси устидан тиббий кузатув ва назоратни таъминлаш функцияси юклансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларини ташкил этишга амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ҳар томонлама кўмаклашсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб турган давлат мактабгача болалар муассасаларининг жойлашувини ва болалар билан тўлдирилганлигини, уларнинг бир қисмини кейинчалик сотиш ёки янгидан ташкил этилаётган мактабгача болалар муассасаларига ижарага бериш учун аниқлаб олиш мақсадида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини пухта ўрганиб чиқсинлар;

давлат таъминоти муассасалари учун харидларнинг умумий ҳажмини аниқлашда давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олсинлар ва давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари томонидан давлат таъминоти тизимининг савдо корхоналари тармоқлари, шунингдек чакана савдо тармоқлари орқали нақдинасиз ҳисоб-китоб бўйича майда улгуржи тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш имкониятини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги 397-сон қарорига 1-илованинг 1.2-банди 3-хат бошидаги иккинчи жумла қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ҳажмини аниқлашда давлат таъминоти муассасалари таркибига давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари, шунингдек тегишли муассасалар балансида турадиган корхоналар билан келишган ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган идораларга қарашли мактабгача болалар, ўқув ва даволаш муассасалари киритилиши мумкин».

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри
1999 йил 24 июн

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани деҳқонлари ғалла тайёрлаш бўйича давлат режасини бажарди. Қабул пунктларига қарийб 16,5 минг тонна дон етказиб берилди.

## *КАТТАҚЎРҒОН КАТТА КАРВОНИ*

Ғалла экинлари парвариши ўз муддатида илғор технология асосида ташкил этилгани ҳамда ўрим-йиғим мавсумига ҳар томонлама пухта тараддуд кўрилгани ғалаба омили бўлди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

# РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИДА

**Куни кеча қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларидан бири - тармоқ ходимларини соғломлаштириш ва дам олдириш масалалари Фарғона вилояти мисолида кўриб чиқилди.**

Таъкидланганидек, бу ерда бир мунча ижобий ишлар амалга оширилган. Хусусан, 1998 йилда вилоятда санаторийларда соғломлаштириш учун ходимларга 231 та йўлланма тарқатилган, 2 та санаторий-профилакторийда эса 1943 киши ўз соғлиғини тиклади. 294 киши дам олиш уйлари ва пансионатларда ҳордиқ чиқарди.

Аввалги мавсумда вилоят корхоналари ишчи-ходимларининг 990 та болалари «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятига қарашли болалар оромгоҳида дам олдилар. Бундан ташқари шу корхонанинг санаторий-профилакторийсида икки босқич «Она ва бола» дам олишлари ташкил қилиниб, яна 122 нафар бола соғломлаштирилди.

Шу билан бирга айрим корхоналар пул маблағининг етишмаётганини сабаб қилиб ўз ходимларининг соғлиқларини тиклаш ҳақида қуйғурмаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Тармоқдаги ҳамма бўғин касаба органларидаги ижро интизоми ўрганиб чиқилди. Бу масаладаги ижобий ва салбий томонлар раёсат мажлисида рўй-рост айтилди, ижро интизомини бузаётган касаба органлари санаб ўтилди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Бу йил касаба уюшма ташкилотлари органларининг ваколат муддати тугайди. Ҳозир бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловлар жонли, ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда.

**Абдураҳим ТОШПЎЛАТОВ,**
**Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси инсонпарварлик ва ахборот бўлими мудири.**

# ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Мен ҳозир умумий ривожимиз, ҳаётимизни янгилаш, давлат ва жамият қурилиши борасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Мен фақатгина бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: **агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.**

Шу билан бирга, бундай ёндашув одамларимизни ташвишга солаётган маълум воқеаларни, уларнинг негизида ётган сабаб-оқибатларни тасаввур этиш, тушунишга кўмак беради.

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузамда мен бу масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратган эдим.

Булардан **биринчиси** мамлакатимиз ташқарисидаги тажовузкор, ақидапараст кучлар бўлиб, улар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, ота-боболаримиз динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқдалар.

Бу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистонда сўнгги йилларда пайдо бўлган, бизнинг динимизга ёт турли ақидапарастлик оқимига мансуб - ваҳҳобийлик дейсизми, «Ҳизбут-таҳрир» дейсизми, «Мусулмон биродарлар» дейсизми - ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу диний-экстремистик ҳаракатларнинг қўлга тушган баъзи бир маҳаллий «доҳийлари» берган кўрсатма ва иқрорларга кўра, бу оқимлар юртимизда кечагина эмас, балки 80-йиллардан илдиз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет мамлакатларда жойлашган, бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турган.

Ўша марказларнинг тузоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган бу маҳаллий «доҳийлар» ўз фаолиятини юртимизда ўта махфий ва пинҳона тарзда олиб борган.

Бугунги маълумотларга қараганда, бу бир тўда сотқинлар аввало ўзлари ишонмайдиган ғоя ва ақидаларни аҳоли ўртасида тарқатиб, иродаси бўш, онги паст айрим ёшларни алдаб-сулдаб, уларга қасам ичириб, сохта эътиқодга кўндириб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга уринганлар.

Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, бундай махфий тарзда кўпорувчилик фаолияти олиб бораётган ташкилотларни чет эллардаги экстремистик кучлар ва марказлар бошқариб тургани, улар ўзининг ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун катта куч ва маблағ сарф қилаётгани биз учун аён. Бугунги кунда бизда буни тасдиқловчи етарли далиллар бор. Тергов ва суд жараёнлари тугаганидан сўнг бу маълумотлар кенг жамоатчилик ва халқимизга албатта маълум қилинади.

**Иккинчи** хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Юртимизга таҳлика солиши мумкин бўлган мана шу икки омил ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритган одам ўзини қийнаётган кўп-кўп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озми-кўпми хабардор юртдошларимиз буларнинг қандай кучлар эканини, уларнинг сиёсий башарасини, ғаразли мақсадларини яхши билади. Биз халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъиймиз: яъни Ўзбекистон ақидапарастликнинг - у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда бўлсин - ҳар қандай кўринишларига қарши. Шунингдек, биз ҳар қандай шовинистик, бизни менсимаслик, империя кўзи билан қараш интилишларини, минтақада ҳукмронлик ва зўравонлик қилиш даъволарини ҳам кескин рад этамиз. Аввало яқин қўшниларимиз, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эса доимо тайёрмиз.

**САВОЛ: Шу кунларда 16 феврал воқеаларини содир этишда айбланаётган бир гуруҳ кимсалар устидан суд жараёни давом этмоқда. Судланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Албатта, бу ҳол барчамизни ҳам қийнаётгани табиийдир. Бугун Ўзбекистон аҳлини бир савол ўйлантирмоқда: қандай қилиб айрим ёшларимиз бундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб, жиноят кўчасига кириб қолди?**

**ЖАВОБ:** Мен кўҳна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий.

Орзу-умидлар билан яшаётган, дунёқараши, руҳий олами шаклланаётган ҳар қайси инсон ёшлик чоғида ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида ўйлайди, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади, шунга қараб турмуш режалари, интилишлари пайдо бўлади. Кўп нарса албатта инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. **Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир.**

Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, бари бир ўз қалбида муайян бир ғояга, маслак-мақсадга эҳтиёж сезади. Минг афсуски, бу жараён ҳаммада ҳам бир хил кечмайди, бу тушунча ва фикрлар айрим инсонларнинг қалбига кечроқ кириб боради. Содда қилиб айтганда, уларнинг эс-ҳуши кечроқ, яъни бошига ёки бирор синовга дуч келганида киради.

Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди. Бизга эски тузумдан пахта яккаҳокимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқдаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлашни талаб этарди.

Шукурки, халқимизни ана шу оғир йиллардан бурнини қонатмай, бировга тобе-қарам қилмай, бутун собиқ шўро маконида ҳукм сурган ижтимоий тўфонлардан омон-эсон олиб ўтишга муяссар бўлдик. Бугун бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамасдан, биз озодлигимизнинг илк кунлариданоқ маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бердик. Бу улкан тарихий ишлар шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган халқимизга яхши маълум. Шу боис уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. **Лоақал миллий қадриятларимизни, тилимиз, тарихимиз, дин-диёнатимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларни эслаш кифоя, деб ўйлайман.**

Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура-маърифат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўйлаш енгил-елпи фикрлаш билан баробар.

**Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз - жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.**

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб бормаяпти, тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

**Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз.** Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб берадию кейин қотиб тураверади - учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба.

Халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиасини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. **Бошқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қуллик кишанини қайтадан киймайди.**

Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканини, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карра тасдиқлади. Чунки **ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.**

Сизнинг саволингизга қайтиб, қўшимча қилмоқчиман: бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, **баъзи ўринларда, афсуски, кеч қоляпмиз.**

Нима учун кеч қоляпмиз, деган савол туғилади.

Биз таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик. Дастурни амалга ошириш юзасидан жиддий ишлар қилинмоқда. Истиқлол йилларида ташкил этилган янгича гимназия, лицей ва мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганда, уларнинг эркин, мутеликдан озод дунёқараши билан танишганимда ўзимни ҳаётдаги энг катта орзуси ушалган одамдек ҳис қиламан. Шу болалар сиймосида умрим мазмунини, ҳаётимнинг асосий самараси-мевасини кўргандек бўламан.

Айни пайтда бошқа бир муаммо ҳам мени ўйлантиради: мана шу таълим-тарбия тизимида рўй бераётган буюк ўзгаришлар жараёнидан, афсуски, барча фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлолмаяпти. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу - бор ҳақиқат.

**Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали ҳеч бир даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман.** Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни кўз олдимга келтирсам, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳали ниҳоятда кўп иш олиб боришимиз кераклигини ҳам англайман. Бир сўз билан айтганда, бу борада қанча иш қилмайлик, шу соҳада оқсоқлигимизни тан олишимиз, кўпдан-кўп муаммолар ечими айни шу масалага тақалиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастуримизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш - бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англаб олишимиз шарт.

Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, бошқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан **Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.**

Айтинг-чи, шундан кейин биз ота-оналарда яна қандай армон бўлиши мумкин? Бундай ёруғ фикрли, мияси тиниқ, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириб бўладими? Улар пана-пастқамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапига кирадими? Умрида бирорта китоб ўқимаган нодон кимсалар уларни йўлдан оздириши мумкинми? Бу авлод вакиллари ўз Ватанига, ўзини оқ ювиб оқ тараган эл-юртига қўл кўтариши, унга ёмонлик соғиниши мумкинми? Ота-онасини зор қақшатиб, оқпадар, падаркуш бўлиши мумкинми? Дунёдан ўтиб кетган аждодларининг қабрларини беҳурмат қилиб, уларнинг арвоҳларини чирқиратиши мумкинми? Ўз насл-насабидан, она юртидан воз кечиши мумкинми?

Йўқ. Ҳеч қачон. Онгли инсон, юрагида имон-инсофи, диёнати бор одам асло бундай қилмайди. Қилолмайди.

**САВОЛ. Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мавжуд вазиятда маънавий-мафкуравий, таълим-тарбия ишларининг янада катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Сизнинг назарингизда, бу борадаги ишларни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш учун нималарга эътибор бермоқ лозим?**

**ЖАВОБ:** Биз зўравонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йиллик даврни бошимиздан кечирдик. Бу даврда оммани сохта ғояларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанча-қанча куч, қанчадан-қанча маблағ сарф бўлмаган, дейсиз. Бу иш билан бутун бошли бир тизим шуғулланар эди. Жамиятнинг энг юқори бўғинидан энг қуйи қатламларигача бу тизим ўзининг кучли таъсирини ўтказар эди.

Эҳтимол, бугунги ёшларимиз билмас, лекин нисбатан ёши улуғроқ одамлар у пайтлардаги ҳар турли сиёсий ахборот ва ўқишлар, машғулотлар, лекция ва маърузаларни яхши эслайди. Матбуот, радио-телевидение, адабиёт ва санъатнинг ҳам бор эътибори шу масалага - одамлар онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслигига қаратилган эди. Бошқача айтганда, бу тизимнинг ягона мақсади - шу режимга керак бўлган мафкурани кишилар онгига зўрлик билан сингдиришдан иборат эди. Ўзбек халқини ҳар тонгда «Ассалом, рус халқи, улуғ оғамиз!» деган нағмалар билан уйғотишдан кўзланган ният ҳам аслида ана шу эди.

Шўро даврида мафкура масаласида шундай бир механизм мавжуд эдики, у одамларни фикрлашга чорламаса-да, сохта ғояларни ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга эриша оларди.

**Бу ҳақда ўйлаганда мени бир савол қийнайди. Нега энди шўро ҳукумати ўз сохта ғояларини омма онгига сингдира оларди-ю, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаровон турмуши ва бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний миллий ғоямизни одамларимиз қалбига сингдира олмаймиз?**

Менингча, бунинг асосий сабаби шундаки, **биз демократик жамият қурар эканмиз, мафкуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик.** Жамият аъзоларининг қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойиллари деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

**Бизнинг пировард мақсадимиз - инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат.** Иншоллоҳ, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай қонунлар асосида яшайди ва тараққий қилади. Чунки бундай жамият аъзолари билан баҳс қилиш, мунозара юритиш, умумий тил топиш мумкин. Аммо миясига хомхаёл васвасаси зулукдай ёпишиб олган, на қонунни, на реал ҳаёт талабларини тан оладиган мутаассиб тўдалар билан қандай муроса қилиш мумкин?

Мен халқни бирлаштирувчи, юксак мақсадлар сари чорловчи мафкура - миллий ғоянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида илгари ҳам қайта-қайта айтиб ўтганман. Биз унинг мазмун моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, **мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.**

Айтинг-чи, миллий мафкурани аниқ тасаввур қилмасдан, унинг назарий асосларини тўғри белгилаб олмасдан туриб бу масалани ҳал қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.

Аёнки, бу муаммо тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Лекин биз нимани ва қандай тарғибот қилишни аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни, агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқиш даркор.

Содда қилиб айтганда, мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила, юртимиз учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган масалани оддий ҳаётий мисоллар асосида кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, кўзини реал ҳақиқатга очиб бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз халққа ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, **мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.**

Бунинг учун эса авваламбор миллий ғоя, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур.

Бу ишни қандай йўлга қўймоқ даркор?

**Биринчидан,** мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, керак бўлса, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш зарур. **Токи бу ташкилотлар манфаатдан ёки таъсирдан холи бўлиб, бизга реал ҳаёт ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида аччиқ бўлса-да, холисона, ҳаққоний, хулосалар берсинлар.** Ва жамиятни эски асоратлардан халос этиш дунёқарашимиз, маънавиятимиз ва мафкурамизни юксак босқичга кўтариш йўлларини пухта ишлаб чиқишлари ва тавсия этишлари даркор. Бу ишга Тарихчилар, Файласуфлар кенгашлари, яқинда тузилган Маърифатпарварлар жамияти каби жамоат ташкилотларини жалб этиш керак.

**Иккинчидан,** вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита кўмагида Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари қошида **маърифий тарғибот кенгашларини тузиш лозим.** Бу кенгашлар таркиби эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топа оладиган фидойи инсонлардан иборат бўлиши керак.

**Учинчидан,** мактаблар, лицей ва коллежларда бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутасадди мутахассислар лавозимларини жорий этиш зарур.

**Тўртинчидан,** мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим.

Модомики, ёшларни фикрлашга ўргатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз борар экан, биз муҳим бир нуқтани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Фикримни очиқроқ айтадиган бўлсам, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, болани гўдаклигидан юз-қўлини ювишга ўргатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига ўтириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди.

Кўриб турганимиздек, бу усул тарғибот-ташвиқот ишларида маълум ўринларда ўзини оқлайди. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсирлардан асрай олмаймиз.

Ҳар қайси шахс, аввало ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қуйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтамиз. Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз замирида ана шу олижаноб мақсад мужассам. Биз шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки невара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунича туришини истаймиз.

Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан ғурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

*Бир шикоят изидан*

# КЎЧАГА ҲАЙДАЛГАН КЕЛИН

**Таҳририятимизга ҳар куни ўнлаб хатлар келади. Уларнинг аксариятидан дил таскин топади. Ва биз бу қувончни муштарийларимиз билан баҳам кўрмоққа ошиқамиз. Аммо, афсуски, хатлар орасида шундайлари ҳам бўладики, юрак озорланади уларни ўқиб. Мана, шундай мактублардан бири.**

«Мен,-деб ёзади Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» жамоа ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Гулноза Раҳмонова,- 1996 йил 17 сентябрда Одилова Тўхта момонинг ширин алдовига учиб, ўғли Ботирга турмушга чиқдим. Турмушимиз уч ой яхши ўтди. Кейин қайнонам Ботир билан мени ҳеч қандай сабабсиз ҳайдаб юбордилар. Биз бир неча бор хонадонига бош эгиб бордик... Куни билан хизматини қилсам-да, овқат маҳали албатта уруш-жанжал қилиб, уни заҳар қиларди...»

Биз туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Лола Жумаева билан учрашиб, ушбу масалага ойдинлик киритмоқчи бўлдик.

- Бу оила ҳақида кўпдан буён турли гап-сўзлар юради,- деди суҳбатдошимиз. - Кимдир қайнонани қораласа, биров келинни ёмон отлиқ қилади. Оилавий жанжаллар, келишмовчиликлар бўлганлигини қўни-қўшнилари ҳам тасдиқлайдилар. Охир оқибат «Миришкор» қишлоқ фуқаролар йиғини раисига мол-мулкини ажратиб бериш ҳақида мурожаатнома тушган. Бу ёғи қонуний асосда ҳал қилинган. Шундай бўлса-да, Гулноза қайнонаси устидан турли ташкилотларга арз қилишни канда қилмаяпти.

Гулнозага ҳам осон тутиб бўлмайди. Бахтим, деб қўл узатса-ю, лахча чўғдан гуриллаб ёнса, ким чидайди бунга? «... Ушбу хатимни мақола қилиб газетага чиқаришларингизни илтимос қилиб сўрайман,- дейди мактуб сўнгида у. - Зора мен каби ҳаётдан адашиб, ота-онасининг гапига кирмай турмуш қурганларга бу сабоқ бўлса. Қайноналар ҳам ўз севиб олган келинларига шунчалик зулм қилмасалар...»

Шу ўринда Гулнозанинг ҳамиятига теккан яна бир жиҳатга эътиборингизни тортамиз. Ботир Одилов Гулноза билан ўрталаридаги никоҳни бекор қилмасдан туриб, қонунга зид равишда яширинча никоҳ ўқитиб бошқа бир жувонга уйланиб олишга ҳам улгурибди.

«Мен Ботирни турмуш ўртоғи ва боласи борлигини аввалдан билардим. Шундай бўлса-да, мен уни яхши кўриб қолиб, турмушга чиқдим. Лекин оилани қонун асосида шакллантириш лозимлигини билмас эканман. Қилган хатоимни кейинроқ тушундим,-деб ёзади ўз тушунтириш хатида Ботир Одиловга турмушга чиққан Ирода Арабова.

Ёшларни-ку баъзида шошқалоқ деймиз. Бироқ, кўпни кўрган кексаларимиз ҳам ушбу шошқалоқлик тегирмонига сув қуйиб турса, ғалати туюлар экан. Янги миришкор қишлоғида яшовчи саксон ёшни қоралаб қолган Холбой Содиқов қўлида ҳеч бир ваколати бўлмагани ҳолда Ботир Одилов билан Ирода Арабоваларни яширин равишда, сўраб-суриштирмасдан никоҳ ўқиганлигини қандай баҳолаш мумкин? Агар чала мулла иккала ёшни қонун асосида никоҳдан ўтган - ўтмаганлигини сўраб-суриштирганида эди, балки юқоридаги кўнгилсиз ҳол юз бермасмиди?

- Ҳақиқатда янглишдим,-дейди Холбой бобо ўз хатосини тан олиб. — Мендан никоҳ ўқишни илтимос қилганларида йўқ дея олмадим. Бундан кейин қонунсиз ишларга қўл урмайман...

Отахонга ишончсизлик билдиришнинг ўзи уят. Лекин Х.Содиқов муқаддам ҳам қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари томонидан қонунсиз никоҳ ўқимаслик ҳақида огоҳлантирилганлигини эшитиб ўйлаб қоласан киши. Ва беихтиёр ўз-ўзингга савол берасан, пул деб икки ёшни уй-жойидан ажралиб кетишига сабабчи бўлган одам наҳотки виждонан қийналмаса?!

Айни пайтда Гулноза минг ҳижолатлар билан отасиникида яшаяпти...

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ўзбекистон халқ артисти, кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов таваллудининг 90 йиллигига*



# ОНАНИ ЙИҒЛАТГАН БИРИНЧИ РОЛ

**Йигирманчи йилларда Эски Жувадаги «Жангоҳ» деб аталмиш боғда мўъжазгина бино бўлиб, кино томошалари ўша ерда кўрсатиларди. Ҳадрадан, Чорсудан, Баланд мачитдан, Оқ мачитдан келадиган ихлосмандлар билан кинотеатр ҳар гал лиқ тўларди. Бугун ҳам синематограф эшиги ёнида одам одатдан ташқари кўп эди. Фильмларга изоҳ берувчи Қурбон Чориев зинапояда туриб олиб тинмай бақирарди:**

**«Шошилинч синематографга! Ўзбек ўғлони экранда!»**

Одам кўплигидан эшик ёнига яқинлашиб бўлмасди. Яна овоз эшитилди: «Пўшт, пўшт! Йўл беринглар. Синематографда чиққан йигитнинг онаси келаяпти!» Умри ая кинога келганида шу тарзда қарши олинган эди.

Томоша бошланди. Али ролидаги Йўлдош Аъзамов оппоқ экранда пайдо бўлганида залдагилар қўлларини бигиз қилиб: «Ана, ана ўзбек йигити! Оналари ҳам шу ерда. Томоша кўраяптилар!» - деб ўзларича изоҳлагандек бўлдилар.

Кино узоқ давом этди. Залда гоҳ жимжитлик ҳукм сурарди, гоҳ кулги, ғовур-ғувур гаплар эшитиларди. Филм давомида драматик воқеалар ривож этиб бориб чўққисига чиқди... Душман ўқи Алига тегди. У қулади. Шунда залда ўтирган Умри опа дик этиб ўрнидан туриб:

- Ўғлимни тўлаб беринглар!- деб йиғлай бошлади. Ўғлига ўқ текканини кўрган она тинчланавермади. Чироқ ёқилди. Ҳамма фарёд чекаётган Умри она ёнига йиғилди. Синематограф директори етиб келиб аҳволни бафуржа тушунтирмагунича Умри она йиғидан тўхтамади.

- Муҳтарам жамоа! Ҳозиргина сиз оқ пардада кўрган довюрак йигит Али ролини ҳамшаҳримиз Йўлдош Аъзамов ўйнаган. Бугун залда шундай ўғилни вояга етказган онахонимиз ўтирибдилар. У кишини қарсак билан табриклайлик.



Зални ларзага келтирган қарсак, юпатишлар кор қилди, шекилли, Умри она жойига ўтирди. Паранжи-чачвонини тўғрилади. Уни кузатиб турган шарҳловчи Қурбон Чориев сўзида давом этди.

- Аямиз бугун қувончларини яшира олмай, йиғлаб юбордилар. Ишонмайсизларми? Афсус, мана бу паранжи бахтиёр аёлнинг қувонч ёшларини кўришингизга имкон бермаяпти.

Бироз кулги ҳам бўлди. Кейин ҳамма ўз жойига ўтириб томошанинг давомини кўрди...

Кейинчалик машҳур режиссёр ва актёр сифатида танилган Йўлдош Аъзамовнинг кинодаги биринчи роли шу тарзда қабул қилинган эди.

Миллий урф-одатларимиз, асрий қадриятларимизни, ўзбекона турмуш тарзини яхши билган Йўлдош Аъзамов мусиқий комедия жанридаги «Мафтунингман», болаларга мўлжаллаб яратилган «Қилич» фильмларида ҳам юксак маҳорат эгаси эканини намойиш қилди.

Айниқса, Абдулла Қодирийнинг ўлмас асарлари - «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари асосида суратга олинган фильмларда Раънонинг жасоратини, Кумуш ва Отабекнинг фожеасини рўйи-рост кўрсатишга муваффақ бўлди. «Гулбаҳор» ва «Истиқбол йўли»да эса мелодраматик сюжет ёрдамида қаҳрамонларнинг руҳий оламини очишга интилди.

Хуллас, маданиятимизнинг йирик арбоби, актёр, режиссёр Йўлдош Аъзамовнинг ҳар бир асари томошабинга эстетик завқ берибгина қолмай, кундалик ҳаётимиз билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ҳам ёритган, жамоатчилик эътиборини ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга қаратган.

**Ҳамидулла АКБАРОВ.**

*Ўқинг, бу қизиқ!*

## БИР ЭКРАНДА ИККИ ТОМОША

Бундан бир неча йил бурун телевизор экрани бир бурчагида тасвирни кичик ҳажмда ҳам кўриш мумкин эди. Яъни экранда катта асосий тасвир билан бирга параллел бурчакда кичик тасвир ҳам алоҳида кўриниб турарди.

Япониянинг «Сони» компанияси яқинда телевизор экрани диогнали 117 сантиметр бўлган рангли телевизор ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу телевизор экранида бир вақтнинг ўзида алоҳида иккита тасвирни томоша қилиш мумкин. Яъни, экраннинг ярмида бошқа дастур, иккинчи ярмида эса хоҳлаган дастур кўрсатувларини томоша қилиш мумкин.

## ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ - ГИБРИД

Германия федератив республикасининг «Ауди» фирмаси ҳам нефть маҳсулотлари, ҳам электроэнергиясида ишлайдиган автомобиль лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу автомобилларда ўрнатилган дизель ёнилғи ёки бензин билан ишлайдиган двигателлар фақат олдинги ғилдиракларни ҳаракатлантирса, электродвигатель эса орқа ғилдиракларни ҳаракатга келтиради. Ҳайдовчи оддий тугмачани босиши билан нефть маҳсулоти билан ишлайдиган двигатели ёки хоҳласа электродвигателни ишлатади.

Катта йўлларда юрилганда асосан нефть маҳсулотларида ишлайдиган двигател ишлаб, юқори тезликка эришиш мумкин. Шаҳарда юрганда эса фақат электродвигател ишлаб, автомобиль салонида ортиқча товушлар бўлмайди, атроф-муҳитга ҳеч қандай заҳарли газлар чиқмайди ва автомобиль тежамкорлик билан бир маромда ишлайди.

**Илҳом ШЕРМУҲАММЕДОВ тайёрлади.**

# ОЛҚИШ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, вилоят жисмоний тарбия ва спорт ҳамда хотин-қизлар қўмиталари биргаликда хотин-қизлар спартакиадасини ўтказишди. Аввало туман босқичида беллашувлар бўлиб, унда 5 минг нафардан зиёд хотин-қизлар қатнашдилар. Финалда эса 900 нафардан зиёд кўнгилли спортчилар иштирок этдилар. Мусобақаларда 1-ўрин Самарқанд шаҳри, 2-ўрин Оқдарё тумани, 3-ўрин Ургутликларга насиб этди.

Волейбол, баскетбол, стол тенниси, халқ ўйинлари каби жами спортнинг 11 тури бўйича қизғин беллашувлар бўлиб ўтди.

Муҳлислар кучлилар, чаққонлар ва эпчилларнинг маҳоратларини олқишладилар.

**З.ФАТХУЛЛАЕВА**
**талаба.**

# ЛИБОСЛАР ТЕАТРИ

*Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети маданият саройи қошида либослар театри иш бошлади. Унинг илк кўргазмасида Осиё ва Европа услубида тикилган хотин-қизларнинг 8О дан ортиқ турли кўринишдаги миллий ва замонавий либослари намойиш этилди. Унда никоҳ, уй-рўзғор, ишхона, меҳмоннавозлик ва сайр-саёҳат кийимлари ўрин олган.*

*Бугунги кунда театр ўз атрофига чевар талаба қизларни тўплаяпти. Айни пайтда янги модалар устида изланишлар олиб борилмоқда.*

# ТУРФА ОЛАМ

*Америкалик 46 ёшли Пол Маннан сайёрамиздаги энг оғир вазнли киши ҳисобланади. Унинг оғирлиги 180 килограмм. Яқинда Полнинг қорни оғриб қолди, уни касалхонага қариндошлари махсус автокран чақириб, тросслар билан боғлаб олиб боришди. Касалхонада Пол махсус палатада даволанди ва уч кундай кейин яна автокран ёрдамида уни уйга қайтаришди.*

*Швейцариянинг Рейгех шаҳарчасида яшайдиган бир неча фуқаролар келишиб рекорд ўрнатишга қарор қилишди. Рекорд ўрнатишни ўзи бўлмайди, бу жуда ҳам мураккаб ва қийин иш. Шундай бўлса-да, рейгехликлар ўз муддаоларига етишди. Узунлиги қарийб 5 метр 72 сантиметрга тенг бўлган шам ясашди. Шамнинг айланаси 30 сантиметр бўлиб, оғирлиги 400 килограммга тенг экан. Қимирлаган қир ошар деганлари шу бўлса керак-да.*

*Умуман европаликлар рекорд ўрнатишга жуда ҳам қизиққан кўринади. Англиялик Джоф Смит ҳам Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиш учун 150 кун тобутда ётишга қарор қилди. Мана у бир неча кундирки, Мэнсфилд шаҳридаги марказий дам олиш боғида тобутни ўрнатиб, ичига кириб ётиб олди. Илгари ҳам инглизлардан бири худди шундай рекорд ўрнатиб, 149 кун тобутда ётган эди. Смит эса ўзининг сабр-бардошли эканлигини амалда исботлаб, ўз ҳамшаҳарларига намойиш қилиб рекордни янгиламоқчи.*

* * *

*Дунёдаги машҳур курорт шаҳарлардан бири ҳисобланган Сочи шаҳрига дам олишга келган меҳмонлар кўчаларда банан дарахтларини учратиб, ҳайратга тушишмоқда. Субтропик иқлимда ўсадиган бу ноёб мевали дарахт қандай қилиб Сочи шаҳрига келиб қолди. Бу ернинг иқлими ҳам банан дарахти учун анча ноқулай ҳисобланади. Маълум бўлишича, Сочидаги мазкур дарахтларни Япониядан олиб келишган. Кунчиқар юртнинг тадқиқотчи олимлари янги банан навини яратиб, уни анчагина салқин иқлимли ерда ҳам ўстириш мумкинлигини амалда исботлашди. Сочи шаҳридаги бананларнинг Африкадагидан фарқи шундаки, бу ердаги бананлар ҳажми жиҳатидан анча кичик ва таъми аччиқдир. Шунинг учун ҳам Сочилик банан ихлосмандлари ўзларида ўсган банандан кўра, Африка бананларини афзал деб билишмоқда.*

* * *

*Филларни сиз циркда ёки бўлмаса ҳайвонот боғида кўп кўргансиз. Аммо футбол майдонида учратмаган бўлсангиз керак. Яқинда Тайланд шаҳридан 340 километр узоқликдаги йирик ўйингоҳда филлар ўртасида футбол ва баскетбол мусобақалари бўлиб ўтди. Ўйингоҳда кутилгандан ҳам кўп томошабинлар тўпланди. Филлар эса ўзларининг бор маҳоратларини ишга солиб, футболга бўлган иштиёқларини намойиш қилишди.*

*Филлар нафақат спорт ўйинларини севиб ўйнашади, балки улар болаларни овутишда тарбиячи ўрнида ҳам асқотади. Барселонадаги болалар боғчаларидан бирида Испан болаларига Ҳиндистон филлари тарбиячи вазифасида ишлашмоқда. Бу осиёлик гегант ҳайвонлар кичкинтойлар билан қизиқарли ўйинлар ўйнашиб, уларни овутишмоқда.*

**Ш.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

# РАНГЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Наимжонда мусаввирликка бўлган ҳавас эрта уйғонди. У ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари чизган тасвирий санъат машқлари юқори баҳоланарди. Бир пайтлар ўзи шогирд бўлган Наимжоннинг бугунги кунда анча-мунча шогирдлари бор. Нурота шаҳрида фаолият кўрсатаётган тасвирий ва амалий санъат лицейида 200 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга Нарзулло Ҳамроев, Абдулла Файзуллаев, Носир Адизов, Нурали Мирзаев сингари ҳамкасблари билан бирга Наимжон Қодиров тасвирий санъат сирларини мукаммал ўргатмоқдалар. Бунёд Асадов, Шерзод Чориев, Бобур Қодиров, Азиза Ўнгаева, Эркин Бозоров, Лутфиёр ва Элёр Мансуровлар «Лидице-99» халқаро болалар ижодиёти кўргазмасида иштирок этдилар. Тошкентда ўтказилган кўргазмада қатнашган 26 ўқувчидан 8 нафарининг 11 та асари Чехия республикаси халқаро кўргазмасига юборилди.

Бунёд Асадовнинг «Ғозғонлик тоштарошлар», Эркин Бозоровнинг «Менинг бобом - кулол», Бобур Қодировнинг «Менинг бобом», Азиза Ўнгаеванинг «Шаҳримиз бахшилари» сингари асарлари халқаро кўргазма иштирокчилари эътиборига тушди.

Лицейни тугаллаган 7 нафар ўқувчи А.Хўжаев номли республика тасвирий ва амалий санъат билим юртида ўқишни давом эттирмоқда.

Истеъдодли мусаввир Наимжон Қодиров ва унинг шогирдлари республикамиз мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб алоҳида кўргазма ташкил этмоқдалар. Нуроталик мусаввирлар Ватанимиз равнақига равнақ қўшиш учун ўзларидаги билим ва маҳоратни ишга солдилар.

**Ялғош САРИЕВ.**

**Суратларда: 1. Лицей ўқитувчиси Наимжон Қодиров (ўнгдан биринчи) ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда. 2. Нуротадаги «Чашма» зиёратгоҳи ўқувчилар томонидан чизилганлиги кўпчилик эътиборини тортмоқда.**





Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти касаба қўмита раиси, Марказий қўмита аъзоси Дергач Наталья Михайловнага онаси

**Зубарева Александра СЕРГЕЕВНАнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0464. 1 2 3 4 5 6